



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ VI ПЛЕНУМИ

ЮРТИМИЗ ТАҚДИРИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

юксак фуқаролик масъулиятини намоён этиш муқаддас бурчимиздир



Аввал хабар берилганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли моддаларига асосан жорий йилнинг 9 сентябрь кунидан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилинди.

Мамлакатимизда ушбу сайловга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар очик-ошкора, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақатгина сиёсий партиялар эгадир.

Шу муносабат билан 17 сентябрь кунини пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленумида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови асосида партиянинг фаол ва муносиб иштирокини таъминлаш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзолари, масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, партия

фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюқ давлат арбоби Ислам Каримов хотирасини ёд этиб, унга хурмат бажо келтиришди.

Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки тўғрисидаги масала юзасидан партия Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон Кетмонов сўзга чиқди.

Мамлакатимизда қонунлар тақомиллаштирилган, давлат идоралари фаолиятига, ҳаётимизга умумэтироф этилган демократик қоида ва талаблар изчил жорий қилинаётгани, инсоннинг устувор ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланаётгани, фуқароларимизнинг дунёқараши кенгайиб, фикрлаш тарзи тубдан ўзгариб бораётгани сари халқимизда ривожланган давлатлар қаторига қўшилишга интилиш, ишонч ҳисси кучаймоқда.

Ислохотларнинг ижтимоий

самардорлиги ошишида, электротиқимиз вакиллари, сайловчиларда сиёсий-ҳуқуқий билим ва фаоллик кучайишида бу долзарб аҳамиятга эга. Бугунги шароитда партияимизнинг жамиятдаги нуфузи электротат манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётганимиз, жойлардаги муаммоларнинг ечимни юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқариётганимизга қараб баҳоланади, деди партия раҳбари.

Маълумки, 2014 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 27 нафар депутатдан иборат Ўзбекистон ХДП фракцияси тузилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқоры Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида 214 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларида 1649 нафар партияимиздан сайланган депутат фаолият юритмоқда. Яъни, 178 маҳаллий Кенгашда партияимиз гуруҳлари тузилган. Бир сўз билан айтганда, партияимиз ўз дастурий мақсадларини амалга оширишга қодир бўлган депутатлик корпусини шакллантира олди ва улар парламент, депутатлик назоратини кучайтиришда фаол қатнашмоқда.

Партия Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларини самарали амалга ошириш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилин-

ган. Унда электротат манфаатларига қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган долзарб масалаларга ечим топиш, ижтимоий аҳамияти юқори бўлган дастурларнинг ижроси устидан депутатлик ва парламент назоратини амалга ошириш бўйича парламентдаги фракцияимиз, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз олдида аниқ вазифалар қўйилган.

Шу асосда муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида 129 масала халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари йиғилишларида қўрилган, шундан 72 масала доимий комиссияларда, 50 масала эса сессияларда муҳокама этилиб, электротат манфаатларига хизмат қиладиган қарорлар қабул қилинган.

Партия етакчилиси парламентдаги фракция фаолияти бўйича ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Бу ҳақда кетганда, аввало, Халқ демократик партияси фракцияси ўзини парламентдаги кўпчилик, яъни Демократик кучлар блокига нисбатан муҳолиф, деб эълон қилди. Бундай ёндашув фракция фаолиятида, парламентда қонун лойиҳалари муҳокама қилинаётганда ўз самарасини бермоқда. Бир сўз билан айтганда, қонун ижодкорлиги жараёнида соғлом демократик рақобат муҳити барқарор ривожланмоқда.

Жорий йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган 30 га яқин қонун лойиҳаси Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари томонидан биринчи ва кейинги ўқишларда танқидий жиҳатдан қўриб чиқилган.

Шу ўринда айтиш керакки, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳалари бўйича Демократик кучлар блоки томонидан билдирилган фикрларга ўзХДП фракцияси ўз позициясини баён қилган.

Бундан ташқари, фракция аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қарори лойиҳаси, «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Парламент назорати тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатишган.

▶ Давоми 2-бетда.



BUGUN
ОНА
ЮРТДА...

«АНДИЖОН — БУХОРО» ПОЕЗДИ

қатнови йўлга қўйилади

Шу йилнинг 20 сентябридан Анжен — Поп электрлаштирилган темир йўли орқали Андижон — Бухоро — Андижон йўловчи поезде қатнови йўлга қўйилади. Бу ҳақда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати хабар тарқатган.

Қатнов ҳафтасига бир марта амалга оширилади. «Андижон — Бухоро» поезде Андижондан соат 14:30 да жўнайди ва Марғилон, Қўқон, Поп, Орзу, Тошкент, Гулистон, Жиззах, Самарқанд ва Навоий шаҳар темир йўл вокзалларида тўхтаб, эртаси куни тонги соат 06:30 да Бухоро вокзалига етиб келади.

Поезд Бухоридан Андижон томон ўша куни соат 22:30 да йўлга чиқади.

ЯНГИ КЎПРИК ҚУРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 16 сентябридан Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесилишида янги кўприк қурилиши бошланди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мазкур кўприкнинг узунлиги 600 метр, олти қаторли бўлиши кўзда тутилган.

«ДИҚҚАТ, БОЛАЛАР!»

тадбири ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида жойларда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Соҳа ходимлари таълим муассасаларида бўлиб, ўқувчилар ўртасида йўлларда ҳаракатланиш тартиб-қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказмоқда, — дейди Бухоро вилояти ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Карим Умаров. — Транспорт воситалари ҳаракати тизим вақтларда жамоатчи автоинспекторлар, автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари ва ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув муассасалари вакиллари билан навбатчилик таълими ўтказилмоқда.

«Бухоронома» газетаси сайтида хабар берилишича, автомобиль йўлларида транспорт воситалари ва пиедалар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида 420 дан ортиқ янги йўл белгиси ўрнатилди, 900 га яқин белгилар алмаштирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ХАЛҚАДА ЎҚИН!



МУРОЖААТЛАРДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАР депутатлар ёрдамида ўз вақтида ҳал этиляпти
www.xdp.uz

СИЗНИНГ ФИКРИНГIZ ҚАНДАЙ?

ТАШАББУСКОР ДЕПУТАТ АМАЛИЙ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШАДИ

Муҳаммаджон ЙЎЛДОШЕВ, халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги ўзХДП гуруҳи аъзоси:

— Маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари депутатлик назоратини кучайтиришда муҳим ўрин тутadi. Депутат сайловчиларга берган ваъдаларини амалда бажариши лозим. Бунинг учун ундан партия электротати билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш талаб этилади.

Бойси, ўз хайрихоҳлари билан доимий алоқада бўлган депутат уларнинг кайфияти, хоҳиш-истакларидан ҳамиша бохабар бўлади. Сессияларда қонун ижодкорлиги жараёнида олиб борилган таҳлиллардан унутили фойдаланиб, фикр билдира олади. Ҳаётий тақлифлар, фикр-мулоҳазалар асосида шаклланган позиция сайловчилар манфаати учун кўпроқ хизмат қилади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, электротат

манфаатлари учун астойдил курашган партия ишончли оқлайди, аъзолари сони ортишига эришади ҳамда жамиятда ўз позициясини мустаҳкамлайди.

Демак, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия фаолларидан янада кўпроқ ташаббус кўрсатиш талаб қилинади. Чунки улар бевосита ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, одамларнинг яшаш тарзидан яхши хабардор бўлиши керак. Сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлар, турли тадбирлар ҳамда Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар аҳолини ўйлантираётган масалалар ҳақида аниқ хулоса чиқариш имконини беради.

Маҳаллий Кенгашлар сессияларига киритилаётган ҳар бир масалани аввал партия гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама қилиш тажрибасини янада тақомиллаштириш зарур, деб ўйлайман.

Депутатлар партия ташкилотлари, айниқса, қўйи бўғин билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун маҳаллий Кенгаш депутати электротат вакиллари билан ўтказилаётган давра суҳбатларида иштирок этиши шарт, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим масала. Мақсадиимиз аҳолининг ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш экан, биз, маҳаллий Кенгаш депутатлари бу борадаги таҳлилий маълумотлардан парламентдаги фракцияимиз аъзоларини хабардор қилиб боришимиз зарур. Парламент муҳокамасидаги қонунлар лойиҳаларига тақлифлар тайёрлашда, парламент назоратини кучайтиришда бу муҳим аҳамият касб этади.

Ўз бурчимизни сидиқидан бажарсак, партия гуруҳи фаолиятини қўллаб-қувватласак, Сайловолди дастуриимизни ҳаётга татбиқ этиш қафолати янада мустаҳкамланади.

Бухоро

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

■ Ислон Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро куролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, — деди Пан Ги Мун.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЭЛЧИСИ Тошкентдаги Инҳа университетида



Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Квон Ён У Тошкентдаги Инҳа университетида таъриф буюрди. Бу ҳақда UzDaily хабар бермоқда.

Ўқув юрти ректори Шерзод Шерматов меҳмонни талабалар ва ўқитувчиларга яратилган шароитлар, амалга оширилаётган лойиҳалар билан таништирди.

Сўхбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўқув юрти инфратузилмасини ривожлантириш учун Жанубий Корея компанияларининг молиявий ва техник ресурсларини жалб этиш ҳақида келишиб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТАИЛАНД туризм ривожланади

2016 йилнинг 5-7 октябрь кунлари Таиланд қироллигининг туризм ва спорт вазири Колпран Ватанавранкул хоним Ўзбекистонга таъриф буюрди.

Таъриф давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Таиланд қироллиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик дастури имзоланиши кутилмоқда, деб хабар қилмоқда «Ўзбектуризм» матбуот хизмати.

Шунингдек, мартабали меҳмон 5-7 октябрь кунлари «Ўзэкспомарказ» кўргазмалар мажмуасида ўтказиладиган Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмасида ҳам иштирок этади.

■ ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287- моддаларига асосан эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ


БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 71-сессияси мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовни ёд этиш маросими билан бошланди. Ушбу нуфузли анжуман иштирокчилари — БМТ вакиллари, 193 мамлакат делегатлари, давлат раҳбарлари, сиёсатчилар, дипломатлар ва бошқалар Президент Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

БМТ янгиланган маркази хабар қилишича, БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Бош Ассамблеянинг 71-сессияси раиси Питер Томсон ва қатор давлатлар вакиллари жаҳоннинг энг юксак минбаридан Ислон Каримовнинг Ўзбекистон фаровонлиги, минтакамиз тинчлиги ва барқарорлиги йўлида амалга оширган улкан ишлари ҳақида сўз юритган.

Пан Ги Мун Президент Ислон Каримовнинг оила аъзолари ва Ўзбекистон халқига яна бир бор ҳамдардлик билдирган.

— Ислон Каримов Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли саяё-ҳаракатларни амалга оширди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Минг-йиллик ривожланиш мақсадларини бажаришда муҳим ютуқларга эришди ва барқарор ривожланишнинг янги вазибаларини қўллаб-қувватлади. Давлат раҳбари раҳнамолигида минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга улкан ҳисса қўшилди. Ислон Каримов ташаббуси билан 2009 йилда Марказий Осиёда ядро куролидан холи ҳудуд барпо этилгани жаҳон ҳамжамиятининг муҳим ютуқларидан бири бўлди, — деди Пан Ги Мун.



БМТ Бош котиби Ўзбекистонга икки бор расмий ташриф билан келганини, халқимизнинг самимиятини ҳис қилганини қайд этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганига 25 йил тўлди. Бир пайтлар Президент Ислон Каримов айтганидек, халқ манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларни мамлакат ривожининг устувор йўналишига айланди, деб таъкидлаган Пан Ги Мун. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ўзбекистонда амалга оширилаётган фундаментал ислохотларга ҳисса қўлиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ниятида собитлигини билдирган.

Тадбирда БМТнинг беш минтақавий гуруҳи — Осиё, Африка, Шарқий Европа, Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси гуруҳлари вакиллари сўзга чиққан. Улар Ислон Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, асосли ташаббуслари ва амалий ишлари улкан минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаганини эътироф этган.

Аввалроқ, 6 сентябрь кун Ислон Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қозғоғистоннинг БМТдаги Доимий вакили Қайрат Абдрахманов Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов қатъиятли, мард ва тўғрисиқ лидер, тенгхуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорлик тарафдори бўлганини

таъкидлаган. Шарқий Европа давлатлари номидан сўзга чиққан Эстония вакили Ислон Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон юритган сиёсат Марказий Осиёда барқарорлик ва халқаро муносабатлар ривожига хизмат қилганини баён этган.

Ўзбекистоннинг БМТдаги Доимий ва мухтор вакили Музаффар Мадрохимов ватандошларимиз учун оғир бўлган паллада ҳамдардлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун анжуман иштирокчиларига миннатдорлик билдирган. Ислон Каримов эркин фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат қуришининг чуқур ўйланган стратегиясини ишлаб чиққан ва амалга оширган буюк давлат арбоби сифатида юксак обрў-эътибор қозongan эди, дея таъкидлаган.

Аввалроқ, 6 сентябрь кун Ислон Каримов вафотига мотам белгиси сифатида Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Нью-Йорк, Женева ва Рим шаҳарларидаги бинолари ёнидаги БМТ байроқлари туширилган эди.

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов замонамизнинг буюк сиёсатчиси, узоқни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган нодир қобилият соҳиби, тинчликпарвар ва халқларарар давлат раҳбари, доно ислохотчи ва қомил инсон сифатида бутун дунёда юксак обрў-эътибор қозonganидан далолат беради.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

■ ИҚТИСОДИЁТ

МУҚОБИЛ ЁНИЛҒИ — КОНИ ФОЙДА



Бугунги кунда республикада иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишда транспорт воситаларининг хизмати каттадир.

Мустақиллик йилларида транспорт воситаларининг сони кескин кўпайиши ёнида маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳақиқатли оқиб келди. Уларни экологик тоза ёнили билан таъминлаш долзарб масалага айланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ва автомобилларни суолтирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2007-2014 йилда 260 та АГТКСлари (автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари) қурилиб, фойдаланишга топширилди. 434,8 мингта автотранспорт воситалари сиқилган

газга ишлашга мослаштирилиб, прогноз кўрсаткичи 108,4 фоизга таъминланди.

Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига эса фойдаланишга топширилган АГТКСлари сони 519 тага етди. 2010 йилда республика бўйича жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотранспорт воситаларидан 70 фоизи автобензин ёнилганда, 3,6 фоизи дизель ёнилганда, 14,5 фоизи сиқилган табиий газга ва 11,9 фоизи суолтирилган углеводород газига ишлашга мослаштирилган бўлса, 2016 йилнинг 1 январига келиб 38,7 фоизи автобензинда, 2,9 фоизи дизель ёнилганда, 42,7 фоизи табиий газга ва 15,7 фоизи суолтирилган углеводород газига ишлашга мослаштирилди. Яъни 2016

йилда автобензинда ишлайдиган автотранспорт воситаларининг сони 2010 йилга нисбатан 24,2 фоизга камайган ҳолда, сиқилган табиий газга ишлайдиган автотранспорт воситалари сони 394 фоизга, суолтирилган газга ишлайдиган автотранспорт воситаларининг сони эса 176 фоизга ошди. Бугунги кунда республикада рўйхатдан ўтказилган автомобилларнинг 58,4 фоиздан ортиғи газдан фойдаланмоқда. Натижада 2011 йилдан бугунги кунгача сиқилган газга ишлайдиган автотранспорт воситалари 8055 млн. куб. метр сиқилган табиий газ сотилган бўлиб, натижада 3348 минг тоннадан ортиқ атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни камайтиришга ва 6271 минг тоннадан ортиқ автобензиннинг тежалишига эришилди. Келтирилган маълумотлардан яққол кўриниб турибдики, автомобилларни суолтирилган газга ишлашга мослаштиришдан кўра, сиқилган газга ишлашга ўтказиш жадвал суръатларда ўсиб бормоқда. Хозирги кунда экспертлар рес-

публикада икки турдаги муқобил газ ёнилган бозори ташкил топганини ва уларнинг доимий ривожланиб бораётганини эътироф этмоқдалар.

Автомобилларни сиқилган табиий газга ва суолтирилган газга ишлашга мослаштиришнинг яна бир сабаби уларнинг автобензин ёнилганга нисбатан бир қанча афзалликларга эга эканлигидир. Энг аввало ва асосийси, сиқилган табиий ва суолтирилган газ автобензинга нисбатан бир неча бор арзонга тушади.

Масалан, «Нексия» русумли автомашинанинг 100 км. масофани босиб ўтиши сиқилган табиий газдан фойдаланилганда автобензинга нисбатан 1,5 баробар арзонга тушади.

Бундан ташқари, автомобиль двигателлари қисмларининг детонациясиз бир маромда ишлашини таъминлайди. Таркибида емирувчи кимёвий унсурлар йўқлиги, ёниш кўрсаткичининг юқорилиги, чиқинди қолдирмаслиги туфайли двигателларнинг ишлаш муддати 30-40 фоизга узаяди ва айни пайтда ҳавонини ифлослантирмайди.

Автомобилларнинг суолтирилган ва сиқилган газга ўтиши республикамиз аҳолисининг миллион-миллион сўмлик маблағлари тежалишига, айни пайтда тежалган нефть маҳсулотларини халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларида фойдаланишга имконият яратиб қолмасдан, атроф-муҳитнинг софлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Нуриддин МАХМУДУДЖАЕВ,
«Ўздавнефтегазинспекция»си
нефть маҳсулотларидан
оқилона фойдаланиш бўйича
бош технологи.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

СЕМИЗЛИК ГЕНИ ТОПИЛДИ



Америкалик олимлар сичқонларнинг мия ҳужайрасида семизликка сабаб бўлувчи генини аниқлашди. Мазкур генини ўчириб қўйиш ортқча вазндан халос бўлишга ёрдам беради. Тадқиқотчиларнинг шу мавзудаги мақоласи Cell Reports журналида чоп этилди.

Олимлар сичқонларнинг бош миясидаги Rap1 генининг фаоллигини ўрганиб чиқишди. Тадқиқотчиларнинг унинг энергетик мувозанатни таъминлашдаги роли кизиқтирди. Улар гипоталамус — мия соҳасидаги нейронлар гуруҳидаги генининг фаоллигини тўсиб қўйишди. Шундан сўнг кемирувчиларни ёғ миқдори юқори бўлган егуликлар билан боқилган.

Rap1 гени «ўчирилган» сичқонлар назорат гуруҳидаги бошқа кемирувчиларга қараганда камроқ вазн тўплаган. Олимлар генетик жихатдан «ўзгартирилган» кемирувчиларнинг организми тўпланган ёғни парчалаб ташлашни аниқлашди. Гипоталамус очлик ҳиссини камайтирувчи POMC гормонини катта миқдорда, иштахани очувчи NPY ва AGRP гормонларини эса кам миқдорда ишлаб чиқарган.

Тадқиқот натижалари олимларга семизликни даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқишда ёрдам беради.

23 МИНГ ЙИЛЛИК қармоқлар



Япониянинг Окинава оролида археологлар балиқ тутишга мўлжалланган энг қадимий қармоқларни топишди. Денгиз иллицқурти чиғаноғидан ўйиб ишланган ушбу ов қурулиниги ёши 23 минг йилдан ошади. Бу ҳақда НСН ахборот агентлиги хабар бермоқда.

Олимларнинг тахминича, Окинавада одамлар 30 минг йил аввал қўним топган. Оролда табиий захираларнинг камлигига қарамастан, яшаб кетишга муваффақ бўлишган.

Шунингдек, горда қармоқлардан ташқари меҳнат қуруллари, мунчоқлар ва озиқ-овқат қолдиқлари сақланиб қолган экан.

Бунгача Тимор оролида топишган қармоқлар энг қадимий ҳисобланиб, уларнинг ёши 16 минг йил атрофида эди.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

■ Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «Минг бир ибратли ҳаёт» китоби, 66 нафар иқтидорли ёш шоир асарлари жамланган «Биз истиқлол фарзандларимиз» деб номланган ёшлар баёзи нашрдан чиқарилди.

РАНГ-БАРАНГ
ЯНГИЛИКЛАР

ОНЛАЙН - ДАРС ТАҚСИМОТИ ишлаб чиқилди

Мазкур дастур ёрдамида умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари, олий ўқув юрлари ўқитувчиларининг дарслари автоматик тарзда тақсимланади. Ушбу дастур ўқитувчилар, илмий бўлим ва кафедра мудирилари ҳамда масъул ходимларга интернет орқали ўзларига тегишли бўлган дарс тақсимотини кўриши ва қўйиб олиш имконини беради.

Муаллифлар Эгамберди Шукуров ва Азамат Сатторовга ушбу дастур учун № ДТУ 03776 рақамли гувоҳнома берилди, дея хабар қилади Интеллектуал мулк агентлигининг матбуот хизмати.

ХОЖИЛАРНИНГ БИРИНЧИ ГУРУҲИ

юртимизга қайтиб
келди

18 сентябрь кuni ўзбекистонлик ҳожиларнинг биринчи гуруҳи Ватанимизга соғ-саломат қайтди, дея хабар бермоқда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати.

Тошкент халқаро аэропортида зиёратчиларни Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари кутиб олишди.

Зиёратчилар муқаллас ҳаж сафарининг юқори савияда ташкил этилгани учун ҳукуматимизга миннатдорлик билдирди.

РОССИЯ ДАВЛАТ АКАДЕМИК МАЛЫЙ ТЕАТРИ Ўзбекистонга ижодий сафар уюштирди

Ўзбекистон академик рус драма театрида Россия давлат академик Малый театрининг «Ҳақиқат — яхши, бахт ундан-да яхшироқ» спектакли намойиш этилди. Бу ҳақда театр расмий сайтида хабар берилди.

Икки кун давомида рус драматурги Александр Островский асари асосида режиссёр Сергей Женовач томонидан сахнага қўйилган мазкур спектакль томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Спектаклда Василий Бочкарёв, Людмила Полякова, Евгения Глушенко, Лариса Кичанова, Сергей Вешев, Виктор Низовой, Глеб Подгородинский, Ольга Жевакина ҳамда Денис Курочка каби театрнинг етакчи актёрлари ўз санъатларини намойиш этидилар.



Уюшма фаолияти таҳлилига бағишланди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йилгида ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

Уюшма раиси М.Аҳмедов ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни ривожлантириш, унинг ютуқларини кенг тарғиб этиш, қалам аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ иш бошлаган «Ижод» жамоат фонди

фаолияти бу борада муҳим роль ўйнаётди. Мазкур қарор асосида «Дўрмон» ижод уйи қайтадан таъмирланиб, тиббиёт пункти фаолияти яхшиланди. Уюшманинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. 2010 йилдан ҳозирга қадар 53 нафар ёш ижодкорнинг биринчи китоби «Ижод» жамоат фонди томонидан нашр этилиб, мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларига бепул тарқатилди.

Жорий йилда уюшма томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган «Минг бир ибратли ҳаёт» китоби,

66 нафар иқтидорли ёш шоир асарлари жамланган «Биз истиқлол фарзандларимиз» деб номланган ёшлар баёзи нашрдан чиқарилди. «Биринчи китобим» лойиҳаси бўйича 11 нафар ёш ижодкорнинг илк китоби, истеъдодли ёш таржимонларнинг «Баҳор булбулларининг чаҳ-чаҳи» илк баёзи чоп этилди. Бу китобдан 15 нафар ёш таржимоннинг ўн та хорижий тилдан ўзбек тилига қилган таржималари ўрин олган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари томонидан ижодий тўғарак ва семинарлар фаолияти йўлга қўйилиб, мушоиралар, устоз ёзувчи ва шоирлар билан машғулотлар ўтказилмоқда.

Ёш адиб ва шоирларнинг ижод намуналарига матбуот саҳифаларида кенг ўрин ажратилмоқда. Бу ёш ижодкорларнинг адабиёт оламида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашида кўмак бўлаётди.

Ёш авлодни мамлакатимизда адабиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда ўзбек ёзувчиларининг ҳаёти ва ижодидан кенгроқ хабардор қилиш мақсадида «Ўзбек адиблари» китоби тайёрланиб, нашрга топширилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, халқимизнинг онги ва тафаккурида юз бераётган янгиланишлар, тинчлик ва фаровонликни мадҳ этувчи «Кўзим қарогисан, Ватан»

номли бадий-публицистик асарлар тўплами, Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Қудратли юрт фарзандисан» номли шеърлар китоби, «Залворли қадамлар» публицистик мақолалар тўплами, «Сарчашма мавжлари» адабиётшуносликка оид мақолалар тўплами нашрга тайёрланди.


Тадбир сўнггида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб эълон қилинган «Ватанни мадҳ этиш бахти» мавзусидаги энг яхши асарлар танлови ғолиблари тақдирланди.

Г. САТТОВА,
ЎЗА муҳбири.

РЕКЛАМА

KAPITALBANK

МИЖОЗЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ



Хизматлар лицензияланган.

АТБ «Капиталбанк» Нукус филиали томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Чунотчи, омонатчилар учун қулай ва даромадли бўлган миллий ва хорижий валюталарда жозибдор омонат турларини таъбиқ этишга катта аҳамият берилган.

«Келажак», «Универсальный», «Кулай», «Миг», «15% авансом», «Тезкор», «Шошилмасдан», «Шошилмасдан-2», «Мульти-валютный», «Сумовой», «Коммунальный» сингари омонат турлари мижозлар сони ортиб боришини таъминлашга, уларнинг ишончини қозонишга омил бўлмоқда.

Шунингдек, банк бўлими томонидан 40 донна инфокиоска олиб келиниб, ҳозирги вақтда уларнинг 20 донна аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Улар орқали коммунал хизматлар: газ, сув, электр энергияси, уяли алоқа, кредит сингари тўловлар нақд пул ва пластик карталарда қабул қилинмоқда.

Бундан ташқари, чекка ҳудудларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга

қулайлик яратиш мақсадида банк филиали томонидан мобил терминаллар билан ҳам таъминланди. Шунингдек, мобил телефонлари билан коммунал тўловларини амалга ошириш имкониятлари мавжуд. Тадбиркорлик субъектларига банк ҳисобини очиш, кредит маблағларини олиш бўйича ариза ва шикоятларини белгиланган тартибда кўриб чиқиш, кўрсатилган хизматлар билан сотилган маҳсулотлардан келиб тушган маблағларни ўз вақтида ҳисоб рақамига ўтказиш, умуман мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Уларга янада қулайликлар яратиш мақсадида «Интернет банкнинг» хизмат тури ҳам йўлга қўйилган. Бу хизмат тури мижозларга ўз ҳисоб-китобини, крим-чиқим операцияларини банк бўлимига келмасдан интернет тармоғи орқали амалга ошириши ва ўз ҳисоб рақамини назорат қилиш имконини берапти.

АТБ «Капиталбанк»нинг Нукус филиали жамоаси мижозлар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қилипти.

Банк ахборот хизмати.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2016

ЎСМИРЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Ҳиндистонда футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дастлабки ғалабасини нишонлади.

Мазкур нуфузли мусобақада китъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси тўрт гуруҳда ғолиблик учун баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Таиланд, КХДР ва Яман футболчилари билан

«D» гуруҳидан жой олган. Чемпионатда ярим финалга чиққан тўрт терма жамоа кейинги йил Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган ўн етти ёшгача футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати йўлланмани қўлга киритади.

Темур Олимхўжаев бошчилигидаги терма жамоамиз гуруҳдаги дастлабки учрашувни тайландлик тенгдошларига қарши ўтказди. Кескин ва мurosасиз ўтган баҳсда

футболчиларимиз 5:3 ҳисобида ғалаба қозониб, дастлабки уч очкони қўлга киритди ва гуруҳ пешқадамга айланди.

Гуруҳдаги КХДР ва Яман терма жамоалари ўртасидаги баҳсда 2:0 ҳисоби қайд этилди.

Энди ўсмирларимиз навбатдаги ўйинни 20 сентябрь кuni КХДР терма жамоасига қарши ўтказди.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА муҳбири.

РЕКЛАМА

«ЎЗМЕЛИОМАШЛИЗИНГ» ДАВЛАТ ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ

КЎЙИДАГИ ТЕХНИКАЛАРНИ, ЖУМЛАДАН:



Автосамосвал MAN шассисид
(юк кўтариш имконияти
20-25 тонна);



Автокран MAN ва ISUZU
шассисларида
(юк кўтариш имконияти 16 тонна);



Ёнилғи ташиш машинаси (автобен-
зовоз) ISUZU шассисда, идишининг
сигими 4 тонна;



Краноманипулятор
MAN шассисид
(юк кўтариш имконияти 5 тонна);



Лазерли ер текислагич
(қамраб олиш кенглиги-3,5 метр).

техника қўяматининг 30 фоизидан кам бўлмаган қисмини олдиндан тўлаш шарти билан узоқ муддатга лизинг асосида таклиф этади.

Лизинг шартномаси ва унга тегишли ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган ҳолда техниклар бир иш кuni давомида лизингга расмийлаштирилиб берилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй.

Маълумот учун телефонлар: +99871 239-46-25; 239-43-24; 239-43-65.
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ҲИҚМАТЛАР ХАЗИНАСИДАН

ДАРЁ СУВИНИ БАҲОР ТОШИРАР, ОДАМ ҚАДРИНИ МЕҲНАТ ОШИРАР

Меҳнат — инсон ҳаётининг асосий мазмуни, моддий манбаи ва саломатлик гаровидир. Шу боисдан кишилар меҳнатни қадрлайдилар, улуглайдилар, ёш бўғинларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайдилар.

Жаҳондаги барча халқлар сингари, ўзбек халқининг мақолларида ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллаган: «Обрўнинг онаси — меҳнат, отаси — саййи-ҳаракат»; «Одамни иш танитади»; «Одамнинг баҳоси — қилган иши билан ўлчанади»; «Юк кўтарган — юзага чиқади»; «Юк кўтарганининг юзи ёруғ»; «Ишсевари эл севар»; «Интилан — элга ёқар»; «Меҳнатдан дўст ортар, ғийбатдан — душман».

ДАРОМАДГА ҚАРАБ — БУРОМАД

Даромад — кирим. Буромад — чиқим, сарф-харажат. Бу мақол билан: «Киримингга қараб чиқим қил, ўз холинига яраша иш кўр. Киримининг мазаси бўлмаса-ю, чиқимни катта-катта қилиб юборсанг, кейин ўзингги қийин бўлади», дейилмоқчи.

ДИЛИ ТЎҒРИ- НИНГ — ЙЎЛИ ТЎҒРИ

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси, виждонли, ор-номусли, соф кўнглили, субутли бўлишга даъват этганлар. Юқоридаги мақол шундай мақоллардан бирidir. «Дили тўғрининг тили тўғри, тили тўғрининг йўли тўғри»; «Дили покнинг — йўли пок»; «Соф кўнгли — сўлимас гул»; «Оқ кўнглининг — юзи кўркем»; «Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин» (Бу билан: «Камбағалликнинг айби йўқ, аммо ичи қоралик ёмон», дейилмоқда); «Уйи бузук ўнгалур, ўйи бузук ўнгалмас»; «Уйингни чиройли қилгунча, ўйингни чиройли қил».

БУГУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+32/+20	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+36/+20	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+36/+20	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+39/+21	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+35/+20	
Тошкент шаҳри	+34/+20	

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси меҳнат фахрийси Дилбар Маҳмудовага турмуш ўртоғи

Тилаб МАҲМУДОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари жамоаси журналист Умида Мансуровага онаси

Ҳолида ТЎЛАГАНОВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi tomonidan tayyorlangan. Korrupsiya manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 959
8786
naxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20:20
Topshirilgan vaqti — 23:40
Sotuvda kelishilgan narxdo

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5